Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 27 январь, № 18 (8080) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун 35 миллиондан зиёд кўп миллатли халқимиз ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва фаровон жамият қуришдек улуғ мақсадлар билан яшамоқда. Шундан келиб чиқиб, Шавкат Мирзиёев ўтган йилги Президент сайловида “Инсон қадри учун”, “Давлат — инсон учун” деган ғояларни илгари сурган эди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, аҳолининг фикр ва таклифлари асосида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган. “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилги “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” бўйича давлат дастури лойиҳаси ҳам янги стратегиядан келиб чиқиб тайёрланган. Очиқ муҳокамалар жараёнида аҳолидан 17 мингдан зиёд таклифлар олинган. Улар таснифланиб ва умумлаштирилиб, дастур лойиҳаси 300 дан ортиқ ташаббуслар билан тўлдирилган.

Давлатимиз раҳбари халқимизга бундай фаоллиги, ислоҳотларга ишончи ва дахлдорлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади, — деди Президент.

Тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Булар:

I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

III. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

IV. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

V. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

VI. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

VII. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбир кўзда тутилган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари барча саъй-ҳаракатлар ва маблағлар ҳар бир маҳаллага аниқ етиб бориши, оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Президентимиз 7 та устувор йўналишнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, энг муҳим жиҳатларини айтиб ўтди.

Хусусан, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, халқ билан мулоқот тизимини такомиллаштириш, ҳудудий дастурларни жамоатчилик фикри асосида амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Хотин-қизларнинг ўқиши ва ишлаши учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали улар орасидаги ишсизликни 2 бараварга қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Иккинчи йўналиш ҳақида сўз борар экан, “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторидан жой олиш энг асосий вазифалардан экани таъкидланди. Шу мақсадда мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий судлар ваколатларини кенгайтириш орқали фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини кафолатли таъминлаш бўйича янги тизим яратилади.

Йўлларда хавфсиз шароит яратиш, транспорт ҳодисалари ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш учун ҳаракатларни бошқариш тўлиқ рақамлаштирилади, ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш кучайтирилади.

Давлатимиз раҳбари миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўналишининг аҳамиятига атрофлича тўхталди.

— Ҳеч кимга сир эмас — бугун жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа, керак бўлса, масалаларнинг масаласи бўлиб турибди. Фақат барқарор иқтисодиётгина ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис стратегияда иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш, замонавий иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баравар қисқартириш режалаштирилган.

Илм-фан ва инновациялар, қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий этиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини 2 баравар ошириб, аграр тармоқда йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш имконияти бор.

Шунингдек, келгуси беш йилда иқтисодиётга 120 миллиард доллар, шу жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этиш, экспорт ҳажмини йилига 30 миллиард доллардан ошириш мўлжалланган.

— Энг қийини, бу улкан вазифаларни ҳамон давом этаётган пандемия ва глобал инқироз шароитида амалга оширишга тўғри келади. Бу биздан катта куч ва маблағ, мустаҳкам ирода ва қатъий интизомни, барча имкониятларни тўла сафарбар қилишни талаб этади, — деди давлат раҳбари.

Ижтимоий йўналишдаги асосий вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, келгуси беш йилда мактабларда қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратилади ҳамда дарсликлар янгиланади. Давлат ва хусусий боғчаларни кўпайтириш орқали мактабгача таълим қамрови 80 фоизга етказилади.

Олий ўқув юртларининг нуфузли халқаро рейтингларга кириши, хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турaржойи барпо этилиши ҳам муҳим вазифалардан.

Шунингдек, бирламчи тиббий хизматлар сифатини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, рақамли тиббиётни кенг жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар 3 баравар оширилиши белгиланди.

Маънавият соҳасига оид чора-тадбирлар муҳокама қилинар экан, 12 мингдан зиёд кутубхоналар имкониятларидан самарали фойдаланиш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш муҳимлиги қайд этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини 33 фоизга етказиш, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Меҳнат миграциясини тизимли ташкил этиш, фуқароларни хорижий тиллар ва касбга ўргатиш, хориждаги ватандошлар билан мулоқотни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тараққиёт стратегиясидаги яна бир муҳим йўналиш — Ватанимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган.

Шу мақсадда Янги Ўзбекистон хавфсизлиги концепцияси қабул қилинади. Ахборот технологиялари билан боғлиқ хуружларнинг олдини олиш ва киберхавфсизликни таъминлаш тизими яратилади. Фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими такомиллаштирилади. Ички ва ташқи молиявий оқимларни мониторинг қилиш ва бу билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган янги механизмлар жорий этилади.

Президентимиз тараққиёт стратегияси ва йиғилишдаги топшириқларга доир ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси ҳақида кенг жамоатчиликка ҳисобот бериб бориш талабини қўйди.

— Ҳамма ўзгаришларни, дастурларнинг амалдаги ижросини одамлар кундалик ҳаётида ҳар куни сезиши керак. Мана шу асосий мақсад, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Вазирлар Маҳкамасига Тараққиёт стратегияси ва жорий йилги Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳокимликларга ҳудудий дастурларни ушбу ҳужжатлар билан уйғунлаштириб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш вазифаси қўйилди.

— Ҳамма ислоҳотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак, — деди Президентимиз.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «ҲИНДИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁ» САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни видеоанжуман шаклида ўтадиган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этади.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди ташаббуси билан ташкил этилаётган олий даражадаги учрашув кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама муносабатларни янада кенгайтириш, минтақавий боғлиқликни кучайтириш ҳамда минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари кўриб чиқилади.

Савдо, саноат кооперацияси, “яшил иқтисодиёт”, инновациялар ва рақамли технологиялар, транспорт ва логистика, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида амалий ҳамкорликни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунида дўстлик муносабатларини ва устувор йўналишларда узоқ муддатли шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган Деҳли декларациясини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎзА.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон:

ЯҚИН ДЎСТЛИК ВА МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги яқин дўстлик муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Ҳиндистон Ўзбекистонда бой тарих ва ўзига хос маданиятга эга мамлакат сифатида машҳур бўлиб, ўзбек халқи билан кўп асрлик маданий, савдо-иқтисодий ҳамда самимий дўстлик ришталари билан боғланган ўлкадир.

Жорий йил март ойида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги кенг нишонланади. 1992 йил 18 март куни томонлар Дипломатик ва консуллик масалалари бўйича протокол имзолаган ва шу тарзда Ҳиндистон Ўзбекистон давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган хорижий ҳамкорлар сафига кирган.

Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. 2011 йил май ойида мамлакатлар ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган. Мазкур ҳужжат томонлар ўзаро манфаатли деб ҳисоблаган сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларнинг барча жабҳасида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтирди.

Кўп асрлик дўстлик муносабатлари анъаналарига содиқ ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлараро шерикликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишдан ўзаро манфаатдор эканини намоён этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар сўнгги бир неча йил давомида янги поғонага кўтарилганини таъкидлаш лозим. Аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган мунтазам ва изчил сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларнинг янада ривож топиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи натижасида турли устувор соҳалардаги ҳамкорликка оид 20 та ҳужжат имзолангани ўзаро ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарининг 2019 йил январь ойида “Жўшқин Гужарат” глобал сармоявий саммитида бош меҳмон сифатида иштирок этгани мамлакатимизнинг Ҳиндистон билан яқин ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича қатъий истагини намойиш қилди.

2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири ўртасида бўлиб ўтган виртуал саммит ўзаро алоқалар ривожида муҳим босқич бўлди. Саммит якунида томонлар яқин дўстлик ва мустаҳкам шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотни қабул қилди. Саммит доирасида, шунингдек, турли устувор йўналишлардаги ҳамкорликка оид 9 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди анъанавий равишда халқаро ва минтақавий тадбирлар доирасида ўзаро сермазмун мулоқот олиб боради.

Бугунги кунда Тошкент ва Деҳли ўртасида шаклланган фаол минтақавий ва халқаро ҳамкорлик сиёсий мулоқот ва амалий алоқаларнинг муҳим қисмига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон томони Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси мақомини олиш бўйича номзодини қўллаб-қувватламоқда. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳамжамият хавфсизлиги, фаровонлиги ва барқарор ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи терроризм ва экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, бошқа трансчегаравий таҳдид ва хуружларга қарши курашишда томонлар қатъий позицияни эгаллаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастур доирасида диагностика ва даволашнинг янги стандартлари тасдиқланди, 75 минг нафарга яқин беморлар 40 миллиард сўмдан зиёд Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 100 фоиз инсулин билан бепул таъминланди, 200 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига 14 та ҳудудий эндокринология муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдамнинг самарали ҳамда замонавий тизимини шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифатини ҳамда ушбу йўналишдаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳолига кўрсатилаётган **эндокринология хизматини ташкил этишнинг энг муҳим йўналишлари** этиб белгилансин:

а) академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) — ҳудудий тиббиёт муассасалари — туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари ўртасида тизимли узвий боғлиқликни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ҲАМДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Муносабат

Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётида ғоят муҳим давр бошланаётир. Бу янги тараққиёт ҳамда миллий юксалиш давридир. Мухбирларимиз Тараққиёт стратегияси доирасида белгилаб берилган устувор вазифалар, истиқболдаги режалар хусусида мутасаддиларнинг фикрлари билан қизиқди.

3-саҳифага қаранг.

Олий Мажлис Сенатида

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС САНАСИ БЕЛГИЛАНДИ

Мамлакатимизда пандемия билан боғлиқ вазият кескинлашгани боис Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси онлайн тарзда бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда Сенатнинг йигирма учинчи ялпи мажлисини 2022 йил 3 февраль куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Хусусан, “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги ва “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар муҳокама этилади.

Шунингдек, “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар ҳам кун тартибига киритилган.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҚАНЧАЛИК ИФОДА ЭТМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Давлат дастурининг ижроси халқ вакилларини қониқтирдими?

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури бажарилиши юзасидан Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоров маълумот берди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида **эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш** дастурларини амалиётга жорий этиш. Бунда:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида **соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни** оширишни тарғиб этиш;

оилавий шифокорларни **қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** орқали касалликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш кўламини кенгайтириш;

туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари тор соҳа мутахассислари фаолиятига **эндокрин касалликларни эрта ташхислаш, асоратларининг олдини олиш** алгоритмларини жорий қилиш;

в) қандли диабетга чалинган беморларнинг **замонавий диспансер назорати** (онлайн регистр) тизимини жорий этиш орқали ҳар бир бемор ҳолатининг мониторингини юритиш;

г) аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари, жумладан, болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни **йод препаратлари билан бепул таъминлаш орқали йод танқислиги касалликларининг** самарали профилактикасини таъминлаш;

д) "Профилактика мактаблари"га тор соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда беморлар ва уларнинг оила аъзоларига **эндокрин касалликни бошқариш усулларини ҳамда касаллик билан яшашни ўргатиш**;

е) ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш орқали ҳудудларда ва Марказда юқори технологик жарроҳлик **амалиётлари улушини ошириш**;

ж) эндокринология йўналишида **илмий тадқиқот фаолиятини** такомиллаштириш, соҳа **ходимларининг илмий салоҳиятини** ошириш.

2. **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун қуйидагиларни назарда тутувчи **тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели** жорий этилсин:

оилавий шифокорларни **эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича** қайта тайёрлаш;

эндокрин касалликлар мавжуд оилаларга **махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамширасини** бириктириш;

патронаж ҳамшираси томонидан эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати **қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш** ва дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;

тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни **шифокор олди кўриги хоналари** ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтириш;

эндокрин касалликлар бўйича хавф гуруҳига кирувчи беморлар устидан доимий кузатув ўрнатиш мақсадида барча тиббиёт бригадаларини **глюкометр ва махсус тест япроқчалари** билан таъминлаш;

ташхислаш ва даволаш мақсадида беморларни **бир кунлик диагностик стационар** кузатиш тизимини жорий этиш.

3. 2022 — 2024 йилларда республика аҳолисига **эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) ҳар йили камида бир марта 40 ёшдан ошган аҳоли қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари учун **мақсадли скринингдан ўтказилади** ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган беморлар билан мунтазам алоқа ўрнатилади. Бунда сурункали эндокрин касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун эндокрин касалликларни даволашнинг **замонавий клиник протоколлари ва алгоритмлари** жорий этилади;

б) 2022 йил 1 февралдан бошлаб **анъанавий ва масофавий (аралаш) усулда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** тизими йўлга қўйилади. Бунда:

патронаж ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорлар учун эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш бўйича **икки ҳафталик** ўқув курслари ташкил этилади;

эндокринолог шифокорларни қайта тайёрлаш учун уч ярим ойлик ўқув курслари йўлга қўйилади. Бунда улар дастлабки икки ярим ой давомида Марказда ўқитилади ҳамда бир ой давомида туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида амалиёт ўтайди;

ҳудудларда фаолият юритаётган **эндокринолог шифокорларнинг малакасини ошириш учун бир ойлик** ўқув курслари ташкил этилади;

в) 2022 йил 1 апрелга қадар:

зарур **глюкометр, махсус тест япроқчалари ҳамда игналар марказлашган тартибда** харид қилинади ва тиббиёт бригадаларига етказилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида белгиланган стандартларга мувофиқ жиҳозланган **шифокор олди кўриги хоналари** ташкил этилади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги **эндокринолог шифокор хоналари** зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **25 ёшгача бўлган қандли диабетнинг биринчи тури** билан касалланган беморлар **аналогли инсулин** ҳамда **ўзини ўзи назорат қилиш воситалари** (глюкометр ва махсус тест япроқчалари) билан;

қандсиз диабет билан касалланган беморлар, **соматотроп етишмовчилик** билан касалланган болалар ҳаётий зарур махсус дори воситалари (десмопрессин ва ўсиш гормони) билан;

25 ёшдан ошган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган инсулинга муҳтож, шунингдек, **қандли диабетнинг иккинчи тури** билан касалланган беморлар **одам инсулини** билан;

қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган ҳамда эҳтиёжманд сифатида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да бўлган беморлар **метформин дори воситаси билан бепул таъминланади**;

б) беморларга бепул бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар марказлашган тартибда харид қилинади ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари орқали тақсимланади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида 2020 йилнинг 10 февралида "Тошкент шаҳрида намуна сифатида марказлаштирилган клиник диагностика лабораториясини ташкил этиш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш тўғрисида"ги 1-33К-сон концессия шартномаси имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда концессия шартномаси доирасида **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** Тошкент шаҳридаги барча поликлиника ва туман тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини марказлаштириш;

2022 йил ноябрга қадар тажриба сифатида ҳар бир ҳудуддан биттадан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси муассасаларининг лабораторияларини марказлаштириш ва давлат-хусусий шериклик асосида аутсорсингга бериш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) 2023 йил 1 апрелгача тажриба натижаларига мувофиқ лаборатория хизматини яхшилаш юзасидан асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, глюкометр, махсус тест япроқчалари ва игналар, десмопрессин, ўсиш гормони, аналогли инсулин, одам инсулини ҳамда метформин махсус дори воситаларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун ажратиладиган маблағлар** ҳисобидан;

шифокор олди кўриги ва эндокринолог шифокор хоналарини ташкил этиш ҳамда зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, марказий лабораторияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар **тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли ҳудудларда 2022 — 2024 йилларда эндокринология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича **ҳудудий дастурларни** ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги катталар ва болалар шифокор эндокринологи лавозимларининг **штат меъёрларини бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда** белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Молия вазирлиги (Ж.Абруев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Б.Умурзаков) билан биргаликда бир ой муддатда оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари штат меъёрларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикҳоджаев) билан биргаликда Марказ ҳамда унинг кўп тармоқли клиникаси янги бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини **2022 йил 1 майга қадар** якунлаш чораларини кўрсин.

Бунда замонавий талаблар асосида зарур йўналишдаги бўлимларни, шунингдек, махсус лабораторияларни яратишни назарда тутган ҳолда қурилиш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланиши таъминлансин.

11. Қуйидагилар Марказнинг эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги **қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

метаболик синдром йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

метаболик жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш, эндокрин касалликларни **рентгенэндоваскуляр ташхислаш ва даволаш** ҳамда буйрак усти безларига жарроҳлик аралашувининг **каминвазив эндовизуал** усулларини жорий этиш;

дори воситаларининг ножўя таъсирини ўрганиш ва минималлаштириш доирасида марказлашган **клиник синовлар менежменти ва сифат назорати** тизимини яратиш;

хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги **илмий ташкилотлари ва марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини** ўрнатиш ҳамда биргаликда тадқиқотларни олиб бориш;

коронавирусда қандли диабетнинг кечишини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб, унинг олдини олиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш;

соҳа мутахассисларини **ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказ ҳамда ҳудудий тиббиёт муассасаларидан шаффоф танлов асосида танлаб олинган **50 нафаргача эндокринолог мутахассисларни** ҳар йили нуфузли хорижий эндокринология марказларида малака оширишга юбориш, шунингдек, Марказнинг илмий малака кенгаши фаолиятига етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда **икки ой муддатда**:

соғлиқни сақлаш муассасаларида **пуллик хизматларни ривожлантириш** ҳамда тиббий хизматлар **нархларини бозор механизмлари асосида шакллантириш**;

ҳудудий эндокринология диспансерлари фаолиятида **ҳар бир даволанган ҳолат асосида молиялаштириш механизмини**, беморларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) **икки ой муддатда** эндокринология соҳасида махсус дори воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, глюкометр ва махсус тест япроқчаларини республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича **махсус туркум дастурларни** вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқсин ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиб борсин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

Бунда эндокрин касалликларда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, дори воситаларини ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини қўллашга оид махсус кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар ва роликларнинг мунтазам намойиши йўлга қўйилсин.

17. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.Мусаев, Марказ директори Ф.Тураев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 26 январь

Ўзбекистон ва Ҳиндистон:

ЯҚИН ДЎСТЛИК ВА МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК

1 Ўзбекистон томони Ҳиндистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлади, бу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик икки томонлама сиёсий мулоқотнинг муҳим қисмига айланди.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Субраҳманям Жайшанкар бошчилигидаги делегация 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этди. Мазкур конференциянинг якунлари нафақат икки давлат орасида, балки минтақаларо сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва халқлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун улкан имкониятлар мавжуд эканини яна бир бор намойиш этди.

Икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан 2019 йил январь ойида Самарқандда ташқи ишлар вазирлар даражасида ташкил этилган "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти муҳим воқеа бўлди. 2020 йил февраль ойида Деҳли шаҳрида "Ҳиндистон — Марказий Осиё" бизнес кенгашининг ташкил этилгани мазкур форматдаги ҳамкорликнинг амалий натижаларга йўналтирилганини ифодалади. 2021 йил 19 декабрь куни Деҳли шаҳрида мулоқотнинг навбатдаги 3-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлари сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар, экология ва бошқа соҳалардаги муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди. "Ҳиндистон — Марказий Осиё" вазирлар мулоқотининг ташкил этилиши Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан муносабатларида янги саҳифа очди.

Дунёда коронавирус пандемияси билан боғлиқ юзага келган ҳозирги мураккаб шароитда ҳам ўзаро муносабатлар янада мустаҳкамланиб, уларнинг самарадорлиги ошгани кузатилмоқда.

2020 йилда пандемия билан боғлиқ чекловлар жорий этилгач, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўз фуқароларини ўзаро эвакуация қилишда яқиндан ҳамкорлик қилди. Оғир ва синовли даврларда Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам ўта муҳим ва зарур фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий асбоб-ускуналардан ташкил топган инсонпарварлик юклари орқали бир-бирига дўстона ёрдам қўлини чўзди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотига ҳукуматлар, парламентлар ва вазирликлар даражасидаги фаол алоқалар ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда.

2020 йилда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 12-мажлиси ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг 14-давраси муваффақиятли бўлиб ўтди.

Ўтган йил давомида мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ҳам бир неча юқори даражадаги алмашинувлар ташкил этилди.

2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва Ҳиндистон Миллий хавфсизлик кенгашлари маслаҳатлашувларининг иккинчи давраси бўлиб ўтди. 2019 йил октябрь ойида Ҳиндистон Миллий хавфсизлик маслаҳатчиси ўринбосари маслаҳатлашувларнинг биринчи даврасини ўтказиш учун Тошкентга ташриф буюрган эди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари тарихида илк бор 2019 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонда қўшма ҳарбий-ўқув машғулотлари ташкил этилди. Ўз навбатида, машғулотларнинг навбатдаги давраси — "Дўстлик-2" 2021 йил март ойида Ҳиндистоннинг Уттаракханд штатида бўлиб ўтди.

Юқорида қайд этилган ва бўлажак икки томонлама тадбирлар ҳар икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга жиддий интилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида мумкин қадар қулай савдо режими амал қилмоқда. Давлатлараро йиллик товар айирбошлаш ҳажми 440 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо ва сармоявий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжуд. Шу боис ҳам икки давлат раҳбарлари томонидан яқин йиллар ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини камида 1 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашганига гувоҳ бўлмоқдамиз. 2018 йилда Тошкент шаҳрида Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон маркази, Ҳиндистон саноат конфедерацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон-Ҳиндистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этилганлиги — икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида фаол савдо ва сармоя алмашинувини таъминлашга қаратилган. 2019 йилда тузилган Икки томонлама лойиҳаларни амалга оширишни мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон қўмитаси ҳамкорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришни кўзда тутади.

Ҳиндистонлик инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Хусусан, ахборот технологиялари, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, меҳмонхона, автомобиль бутловчи қисмлари ишлаб чиқариш, олий таълимнинг турли йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш каби кўплаб соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда Ҳиндистон капитали иштирокидаги 330 га яқин корхоналар, жумладан, 100 фоизлик Ҳиндистон капитали билан 220 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Ҳиндистон компанияларини кимё саноати, дори-дармон, тўқимачилик, чарм саноати, ахборот технологиялари, телекоммуникация ва бошқа муҳим соҳаларга сармоя киритишга чорламоқда ва бунинг учун муносиб шароитлар яратиб бермоқда. Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналарида, жумладан, фармацевтика ЭИЗларида ҳинд компаниялари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, томонлар инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидаги истиқболли ҳужжат — Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари ривожининг ижобий жиҳатларидан яна бири бу ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри шериклик муносабатлари йўлга қўйилганлигидир. Бу борада Андижон вилояти билан Гужарат штати ўртасидаги ҳамкорлик тажрибаси ўзининг афзалликларини кўрсатди. Эътиборлиси, Андижон вилоятида қисқа вақт ичида Ҳиндистон компаниялари билан ҳамкорликда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда томонлар Фарғона ва Харьяна ўртасида ҳам худди шундай ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш бўйича иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, ўз навбатида, савдо ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда транспорт-логистика йўналиши муҳим ўрин тутади. Бу борада ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада оширишни таъминлаш учун икки мамлакат, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг транспорт ва бошқа инфратузилма алоқаларини тубдан яхшилаш зарур.

Ушбу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ҳукумати Ҳиндистоннинг Ашхобод келишувига (Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон транспорт йўлаги) қўшилишини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдоси учун асосий транзит марказига айланиши кутилаётган Эроннинг Чобаҳор портини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Таъкидлаш лозим, ҳозирга қадар Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Эрон ўртасида Чобаҳор портидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича ташкил этилган уч томонлама ишчи гуруҳининг иккинчи давраси бўлиб ўтди.

Фуқаролик авиацияси ва "ҳаво коридорлари" орқали юкларни ташишда ҳамкорлик қилиш учун ҳам катта салоҳият мавжуд. Ҳиндистон томони Марказий Осиё мамлакатларига мева-сабзавот, озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш учун ҳаво йўлакларини очишга қизиқиш билдирган.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданият, таълим, фан, инновациялар ва илғор технологиялар, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Бу соҳаларда ҳам қатор ўзгаришлар ва амалий ютуқлар мавжуд.

Айни вақтда Ўзбекистон олий таълим муассасалари Ҳиндистоннинг 10 дан ортиқ университети, илмий-тадқиқот муассасаси ва марказлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, илм-фан соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот муассасалари Деҳли, Мумбай ва Пуна шаҳарларидаги академик марказлар билан алоқаларни йўлга қўйган ва қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Деҳлидаги Жомия Миллия Исломия ва Жаваҳарлал Неру университетларида ўзбек тили курслари йўлга қўйилган.

2019 йилда Ҳиндистоннинг Амити ва Шарда университетларининг филиаллари Тошкент ва Андижон шаҳарларида ўз фаолиятини бошлади. 2021 йил декабрь ойида эса Жиззах вилоятида Самбҳрам технология институтининг янги кампуси очилди. Ҳозирда Ҳиндистоннинг бошқа қатор етакчи университетлари ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ўз филиалларини ташкил этиш устида иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ноида шаҳридаги Ҳиндистон халқаро университетида ўз филиалини очганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маданий алоқалар икки томонлама муносабатларимизнинг муҳим устунларидан бири ҳисобланади. Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган Ҳинд маданият маркази ташкил этилганига яқинда 25 йил тўлди.

Ўзбекистон 2020 йил февраль ойида Фаридобод шаҳрида бўлиб ўтган дунёдаги энг йирик Халқаро Суражкунд ҳунармандчилик фестивалида ҳамкор давлат сифатида иштирок этди.

2021 йил март ойида Ҳиндистон Маданий алоқалар кенгаши президенти Винай Саҳасрабудҳенинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида маданият соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришнинг жозибадор имкониятлари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, Ҳиндистон ташқи ишлар ва маданият ишлари давлат вазири Минакши Лехининг 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Маданий алмашинув дастури имзоланди.

Шунингдек, 2021 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Тошкент халқаро кинофестивалида Ҳиндистоннинг 50 дан ортиқ таниқли кино усталари иштирок этди. Қорақалпоғистоннинг "Айкулаш" фольклор гуруҳи 2021 йил октябрь ойида Ҳиндистоннинг Чҳаттисгарх шаҳрида бўлиб ўтган "Миллий қабила рақслари фестивали"да қатнашди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорлик пандемия давридан сўнг янги натижаларга эришиш мумкин бўлган устувор йўналишлардандир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг улуғвор меъморий ёдгорликлари ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилгани, Ўзбекистоннинг гўзал табиати ва иқлими, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ҳинд сайёҳларини доимо ўзига жалб қилиб келган.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кўп асрлик дўстлик, ишонч ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби мустаҳкам пойдеворга асосланган бўлиб, шубҳасиз, келажакда ҳам улкан салоҳият ва юксак имкониятларга эгадир.

Дилшод АҲАТОВ,
Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.
«Дунё» АА.

Акс садо

УМУММАНФААТЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 25 январь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг видеоанжуман шаклидаги учрашувида қатнашди.

Саммитда Президентимиз нутқ сўзлаб умумманфаатларга хизмат қилувчи қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, мамлакатимиз етакчиси тўсиқларсиз савдони таъминлаш ҳамда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришнинг умумий маконини шакллантиришга қаратилган Янги "Хитой — Марказий Осиё" иқтисодий мулоқот стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди. Шунингдек, "Хитой — Марказий Осиё" йўналишида узлуксиз юк оқимини таъминлаш ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш учун тизимли ечимлар ишлаб чиқиш муҳим экани қайд этилди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни жорий йилдаёқ бошлаш таклифи билдирилди.

Айтиш керакки, ушбу амалий ташаббуслар келгусида минтақамиздаги мавжуд ва янги транспорт йўлакларидан унумли фойдаланиш, минтақаларо транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш, соҳага рақамлаштиришни татбиқ этиш борасида бошланган ва давом этаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Ҳам шифокор, ҳам депутат сифатида саммитда соғлиқни сақлаш ва юқумли касалликларга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик борасида билдирилган фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратмоқчиман. Давлатимиз раҳбари томонидан вакциналар ишлаб чиқиш, синаш ва ишлаб чиқаришда Хитой билан шерикликни давом эттиришга тайёрлик билдирилди. Шунингдек, Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида одамлар ва товарлар ҳаракатини енгиллаштириш мақсадида вакцинация паспортларининг ўзаро тан олиниши тарафдори эканлиги айтилди.

Очиғини айтганда, бу шу кеча-кундузда бир ёқадан бош чиқариб, ҳал этилиши керак бўлган ниҳоятда муҳим ташаббус, десак, хато бўлмайди. Тўғри, коронавирус ҳали чекингани йўқ. Лекин ушбу касалликнинг бутунлай кетишини кутиб ўтириш ҳам ўзини оқламайди. Вирусга нисбатан ҳар бир давлат озми-кўпми қўникма ва тажрибага эга. Чегараларни бутунлай ёпиш билан касалликни қисман жиловласа бўлади, лекин бу йўл одамлар ва товарлар ҳаракатини чеклаб қўйишини унутмаслик керак. Бу эса ўз-ўзидан иқтисодиётга сезиларли зарар келтириши мумкин.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар пандемия шароитидан келиб чиқиб, биргаликда оқилона ҳаракат қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ҲАМДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИ

ИНСОННИ ҚАДРЛАШ УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДЕМАКДИР

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари:

— Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, яъни яқин келажакдаги ривожланиш йўлимизни белгиловчи ушбу тарихий ҳужжатнинг мамлакатимиз бўйлаб кенг жамоатчилик муҳокамаси бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжатнинг ғояси Президентимизнинг ЎзЛиДеПнинг съездида баён этилган эди. Мана шу стратегия сайловолди учрашувларида фуқаролардан тушган таклифлар асосида умумлаштирилиб, бойитилиб, давлатимиз раҳбарининг инаугурация маърузаларида янги босқичга кўтарилди. Бу босқичда Ўзбекистоннинг 7 устувор йўналиши доирасида яқин беш йилдаги ривожланиш йўли кўрсатиб ўтилди.

Ҳужжат кенг муҳокама асосида такомилига, маромига етказилдики, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, деб номланди. Ушбу стратегия Президентимизнинг тегишли Фармонида белгиланган ҳамда Давлат дастурига муҳим асос ҳисобланади. Чунки мана шу стратегия бизга яқин кунлардаги тараққиётимизнинг пойдевори, учинчи Ренессансининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини яратади, десак, тўғри бўлади.

Битта жиҳатга эътибор беринг: давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси нафақат мамлакатимизда катта қизиқиш ва диққат билан ўрганилди, балки халқаро ҳамжамият даражасида ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Шу бўйича бир-иккита баҳоларни айтмоқчиман. Масалан, Парламентлараро Иттифоқнинг бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон Президентининг миллий парламентлар ролини оширишга қаратилган барча ташаббусини қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Жаноб Мартин Чунгонг айтдики, Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этган эди. Яъни Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарининг бу йил Ўзбекистонда парламентлар аёл-спикерлари глобал саммитини ташкил этиш таклифи ниҳоятда ўринлидир.

Чунки Президентнинг гендер сиёсатини амалга оширишдаги Ўзбекистон парламентида хотин-қизлар сони ошиб бораётгани, умуман, аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган тажриба жаҳонга ўрнак бўладиган тажриба ҳамда Президентнинг кейинги муҳим ташаббуси, яъни Ёшлар парламентларининг ролини ошириш ва маҳаллий Кенгашларда, парламентда хотин-қизларнинг сонини ошириб боришдаги изчил сиёсати ҳам жаҳон парламенти тажрибаси учун катта ўрнак бўлади, деб айтган эди.

Бу Парламентлараро Иттифоқнинг бош котиби Мартин Чунгонгнинг эътирофлари эди холос. Бундай эътирофлар, масалан, Женева Дипломатик доираси президенти Роберт Блюм айтадики, Президент Шавкат Мирзиёевнинг хусусий мулкчилик ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, хусусий секторни ривожлантириш бўйича ғоя ҳамда ташаббуслари бу, авваламбор, Ўзбекистон фуқароларининг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётининг ривожланишига асос бўлган ташаббуслардир, деган баҳони беряпти.

Ёки “Diva International” деган халқаро журналнинг бош муҳаррири таъкидлайдики, Ўзбекистон Президенти ҳақиқий демократ сифатида, авваламбор, инсон қадри юксалишини кўтаряпти, инсон қадри юксалиши дегани, бу — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, деганидир. Мана бу нуқтаи назардан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси халқаро аҳамиятга эга.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ — МУҲИМ «ДРАЙВЕР» СОҲАЛАРДАН БИРИ

Жамшид ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири:

— Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига қаратилган бўлиб, унда 2026 йилга бориб, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга, шу билан бирга, жон бошига ялпи ички маҳсулотни 2800 долларга етказиш белгиланган. Албатта, бу жуда муҳим вазифа ва уни амалга оширса бўлади. Бунинг аҳамиятини кўрсатиш учун битта нарсага эътибор қаратмоқчиман. Яъни 2021 якунларига кўра, бизда жон бошига ялпи ички маҳсулот қарийб 2000 долларга етиб қолди. Демак, беш йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот 40 фоизга ўсиши керак. Бу жуда катта рақам. Чунки аҳоли сони ўсиб, уларнинг эҳтиёжлари кўпайиб боряпти.

Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни ошириш йўлида Президентимиз маҳаллабай ишлашни ҳоким ёрдамчилари ёрдамида олиб бориш янги институтини ташкил этиб берди. Хабарингиз бор, республикамиздаги 9309 та маҳаллада бугун ҳоким ёрдамчилари ўз фаолиятини бошлаган. Ўн триллиондан ортиқ оилавий тадбиркорлик кредитлари ажратилади. Бундан ташқари, 1,2 триллион сўмдан зиёд субсидиялар берилади. Маҳаллани ривожлантириш орқали одамларнинг даромадини кўпайтириш устувор йўналиш бўлиб ҳисобланяпти.

Ялпи ички маҳсулотни 100 миллиард долларга етказиш учун саноатда, хизмат кўрсатиш соҳасида жудаям юқори ўсиш суръатларини таъминлашимиз керак. Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро тадбиркорликни бошлаши учун етарли имкониятларга эга. Бугунги вазифамиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни маҳалладан бошлаб, умуммилий даражагача олиб чиқиш.

Келгуси йил вазифалари ҳақида гапирганда, бизнинг зиммамизга юкланган энг катта вазифаларимиздан бири, бу — янги иш ўринларини яратиш. Демак, тизимимиз томонидан келгуси йилда 2,2 миллион атрофида янги иш ўринлари ташкил этилиши керак. Бунинг қарийб, 1,5 миллиони хизматлар соҳасига тўғри келади. Умуман, хизматлар соҳаси бизда муҳим “драйвер” соҳалардан бири ҳисобланади. Масалан, 2021 йилда савдо ва хизматлар соҳаси республикамизда 18 фоизга ўсди. Жорий йилда эса ўттиз фоизга ўсиш кутиляпти. Бундан маълум бўладики, ўсиш кутилаётган соҳада юқорида қайд этилган иш ўринларини яратиш имконияти мавжуд.

«ҚОНУН — УСТУВОР, ЖАЗО — МУҚАРРАР» ТАМОЙИЛИ БОШ МЕЗОН БЎЛАДИ

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори:

— Аввало, шуни қайд этиш керакки, юртимиз равнақининг яна бир босқичи бошланди.

Бу босқичдаги устувор вазифалар давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида халқимиз билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг беш йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси асосида рўёбга чиқарилади.

Мазкур стратегиянинг муҳим ва тарихий жиҳатларидан бири шундаки, у барча ислоҳотларнинг бош мезони бўлган “Инсон қадри учун” деган тамойил руҳи билан суғорилган.

Оддий қилиб айтганда, стратегия келажакка қатъий ишонч ва катта умидлар билан қараётган ҳар бир фуқарони ҳаётидан рози қилиш мақсадини кўзлайди. Асосийси, унда белгиланган йўналишлардаги вазифалар яқин истиқболда амалга ошади. Одамлар унинг самараларини қисқа фурсатларда ўз ҳаётларидаги ўзгаришлар мисолида кўришлари, шубҳасиз.

Биргина мисол: жорий йилнинг ўзида стратегиянинг мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарурий шартига айлантириш йўналишида мисли кўрилмаган чоралар амалга оширилади.

Бу борада Бош прокуратура зиммасига ўта муҳим вазифалар юклатилди.

Биринчидан, тегишли “Йўл харитаси” асосида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратуранинг ҳуқуқий асосларини янгича талаблар асосида яратамиз.

Бунда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойили бош мезон бўлади. Жумладан, прокурор назоратини амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини уйғун ҳолда кучайтирамиз.

Фаолиятимизда ошкоралик ва жамият олдида тизимли ҳисобдорлик йўлга қўйилади. Тизимни бошқаришда эса, тегишли коллегиал органлар роли кучайтирилади.

Иккинчидан, тергов фаолияти устидан янада самарали механизмлар жорий этилади.

Маълумки, ҳозир жиноятларнинг янги кўринишлари, айниқса, кибержиноятлар кўпаймоқда. Шу боис бундай жиноятларни фош этиш бўйича тергов ва тезкор-қидирув фаолияти тубдан ислоҳ қилинади.

Бир сўз билан айтганда, тергов жараёнида инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишига, унинг қадри камситилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилади.

Учинчидан, одамларнинг давлатга, хусусан, суд-ҳуқуқ идораларига ишончининг муҳим омили бўлган суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси янги босқичга кўтарилади.

Бунинг учун, аввало, ижронинг муқобил усулларини жорий этишга оид ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилади. Мазкур жараённинг асоссиз чўзилиб кетишининг олдини олиш бўйича аниқ чоралар рўёбга чиқарилади. Шу тариқа суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг таъсирчанлиги, кучлилиги таъминланади.

Тўртинчидан, мажбурий ижро органлари фаолиятига энг замонавий, илғор халқаро стандартлар жорий этилади.

Ҳатто, мажбурий ижро органларининг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш орқали давлат ижрочиларининг иш юкламасини камайтириш ҳам назарда тутилмоқда.

Президентимизнинг бугун барчамизга берган кўрсатмалари эса Тараққиёт стратегиясидаги вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг ҳал қилувчи омили бўлади. Зотан, йиғилишда белгиланган вазифалар ижроси учун, аввало, барча раҳбарлар бор куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиши шартлиги уқтирилди. Ҳар битта вазифа ижроси бўйича ҳар ойда ўтказиладиган муҳокамаларда эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар ҳам белгилаб берилди.

Вазифалар ижроси учун масъулларнинг, аввало, тегишли раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги, уларнинг фаолиятига ҳар чоракда қатъий баҳо берилиши қайд этилди.

Бу каби яна кўплаб кўрсатмалар Тараққиёт стратегиясидаги вазифаларни самарали амалга оширишимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲАМИША ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЭЪТИБОРИДА

Қаҳрамон САРИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси:

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳамиша давлатимиз раҳбари эътибор марказида бўлиб келган. Мазкур стратегияда ҳам Қорақалпоғистон тараққиётига алоҳида эътибор қаратилгани қувонарли.

Жумладан, жорий йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги 1 — 4-синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат билан таъминлаш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистонда Чорвачиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиб, йиллик 5 фоиз ставкада кредит ажратилади. Кимё ва газ-кимё технологик кластерлари ташкил этилади, бу эса янги турдаги маҳсулотлар ва қўшимча янги иш ўринлари деганидир.

Шунингдек, ҳужжатда “Саҳродаги Лувр” номи билан дунё ҳамжамиятига танилган Савицкий номидаги давлат санъат музейининг илмий-маданий, маърифий имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Айнан шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш борасида келгуси 5 йил учун маррани янада юқори олганмиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган энг долзарб масалаларни пухта ўрганиб чиқдик.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда энг жиддий масалалардан бири, бу — янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш ҳисобланади. Бу борада олдимизга улкан мақсадлар қўйганмиз, хусусан, келгуси беш йилда маҳаллабай ишлаш тизими асосида 288 минг иш ўрни очиш орқали камбағаллик 3 баробар қисқартирилади.

Бунинг учун иш ўринлари яратиладиган соҳалар бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилган. Жумладан, 41 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали 100 мингта иш ўрни, умумий қиймати 5 миллиард 100 миллион долларлик 2 минг 300 тадан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали 76 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Мисол учун Қораўзак туманидаги “Тебинбулақ” кони негизида кон-металлургия комплекси барпо этиш бошланади. Ушбу лойиҳанинг қурилиши ҳамда атрофида ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш объектларида жами 7 минг 850 нафар аҳоли банд бўлади. Шунингдек, Беруний туманида “Аква пауэр” компанияси (Саудия Арабистони) томонидан шамол электр станцияси лойиҳаси қурилишига мингдан зиёд ишчилар жалб этилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида марказлашган ичимлик суви таъминоти 65 фоиздан 90 фоизга ҳамда оқова сув (канализация) таъминоти 16 фоиздан 54 фоизга етказилади. Беш минг километрдан ортиқ автомобиль йўлларида ҳамда 350 га яқин кўприкларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида 730 та кўп қаватли ва 2 минг 500 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиб, 22 мингдан ортиқ оилаларга берилади. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳар йили 34 та маҳаллада қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, таълим, тиббиёт хизматлари сифатини ошириш борасида ҳам бир қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Келгуси беш йилда Қорақалпоғистонда 90 мингдан зиёд янги ўқувчи ўринлари яратилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим ва тарбияси учун зарур шароитлар муҳайё этилади. Хусусан, 40 та янги давлат ва хусусий, 525 та оилавий боғчалар ташкил этилади, 73 та давлат боғчаси реконструкция қилинади ва яна 40 минг нафар болани боғчага бериш имконияти яратилади.

Сифатли ва малакали тиббий хизматларни маҳаллагача етказиш мақсадида ҳар бир маҳаллага бириктирилган “тиббиёт бригадалари” ва оилавий поликлиникалар сурункали касалликларни аниқлаш бўйича зарур воситалар билан таъминланади.

Бундан ташқари, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кафолатли сув билан таъминлаш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Келгуси беш йилда 1 минг 267 километр ирригация-мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш орқали 120 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати ҳамда 100 минг гектарнинг сув таъминоти яхшиланади.

Ўз навбатида, Тараққиёт стратегиясини ҳамда жорий йилга белгиланган Давлат дастурининг ижросини тизимли ташкил этиш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олганмиз.

Аввало, Қорақалпоғистонни 2022 йилда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурни қайта кўриб чиқиб, Тараққиёт стратегиясида назарда тутилган мақсадларнинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаймиз. Иккинчидан, дастур ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш учун ишчи гуруҳлар ташкил этамиз ва ҳар бир бандга масъул раҳбарларни бириктирамиз. Учинчидан, ҳар чорак якуни бўйича сессияларда депутатлар иштирокида дастур ижроси юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб борамиз.

Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган янги институт — маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари фаолиятини тўғри ташкил қилган ҳолда барча йўналишда ишларимизни самарали олиб боришга эътибор қаратамиз. Мухтасар айтганда, Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш орқали Оролбўйида одамларнинг ўз ҳаётидан розилик ва мамнунлик ҳиссини ошириш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган тадбирлар янада юқори босқичга кўтарилади.

«Халқ сўзи».

ЯХШИ КАСБ ЭГАСИ — ЭЛДА ҚАДРЛИ

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири:

— Президентимизнинг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда олий таълим муассасалари сони 158 тага етди. Бир йиллик қабул 181 минг нафарни ташкил қилмоқда. Қамров ҳам 30 фоизга етказилди. Бу Ҳаракатлар стратегияси амал қилган илк даврдаги кўрсаткичларга нисбатан 3 баробар ошганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ушбу кўтарилиш, ушбу ривожланишнинг янги саҳифасини очиб беради, десак, муболаға бўлмайди. Бунда асосий эътибор инсон қадрига қаратилган.

Инсон қадри, давлатнинг унга бўлган эътибори ҳар хил йўсинларда кечади. Хусусан, буларнинг ичида энг муҳими — таълим олиш ҳуқуқининг таъминланиши. Яхши касб эгаси — элда қадрли. Яхши билим олган инсоннинг қадри, обрў-эътибори ошиб бораверади. Шунинг учун ҳам навбатдаги беш йилда — Тараққиёт стратегияси амали даврида, давлат дастурлари доирасида Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини 200 тага етказиш, хусусий олий ўқув юртларига кўпроқ урғу берилиб, уларнинг ҳам сонини 50 тадан ошириш режалаштирилган. Гап фақат сонда эмас. Қамровни 2026 йилга бориб, 50 фоиздан ошириш назарда тутилган. Бу ҳар йили мактаб, техникум, лицей битирувчиларининг ярмидан кўпи олий маълумот олиш бахтига муяссар бўлади, дегани. Лекин асосий масала, Президентимиз томонидан қўйилаётган талаб, бу — таълим сифати. Шунинг учун ҳам қамровни оширишни галдаги вазифада кўпроқ хорижий филиаллар ҳамда очилажак хусусий олий таълим муассасалари ҳисобидан таъминлаш режалаштирилган. Чунки бу даврда давлат олий таълим даргоҳларида ўқув корпуслари, лабораториялар, ётоқхоналар сони ва сифатини замон талабларига мослаштиришимиз керак. Шу сабаб келгусида бу жиҳатга катта урғу берилади.

Ўтган беш йилда ҳудудларда жуда кўп олий таълим муассасалари очилди. Масалан, Сурхондарёда аввал битта олий ўқув юрти бўлса, ҳозир олтита. Бошқа вилоятларда ҳам худди шундай 5-6 тадан институт ва университетлар ташкил этилди. Яъни янги олий таълим масканларининг аксарияти ҳудудларда ўз фаолиятини бошлади. Асосий мақсад — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда таълимнинг ўрнини кўрсатиб бериш ва шу орқали жойларда тараққиётни таъминлашдир.

Бугунги талаба — эртанги мутахассис, эртанги бошқарувчи, келажакда давлат ва жамиятда узининг ўрнига эга бўлган етук шахс. Шу боис бугун инсон қадрини юксалтиришда айнан таълим тизимининг ўрнини оширишга эътибор қаратилмоқда. Зеро, келгуси беш йилда олий ўқув юртларида таълим сифатига урғу берилиши айни шу мақсадга хизмат қилади.

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС САНАСИ БЕЛГИЛАНДИ

1

Бундан ташқари, сенаторлар “Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги ва “МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунларни кўриб чиқади.

Ялпи мажлисда 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи, Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниевнинг қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳамда шу мақсадда ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги ахбороти ҳамда адлия вазирининг 2021 йилда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилиши режалаштирилган.

Шунингдек, мамлакатимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш масалалари ҳам муҳокама қилинади.

Сенаторлар оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижаларини ҳам кўриб чиқади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала юзасидан Сенат Раиси биринчи ўринбосарининг маърузаси тингланади.

Ялпи мажлис икки кун давомида онлайн тарзда ўтказилади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сенатор ва ҳаёт

ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ИЖРО ҲОЛАТИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИНАДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан 2021 йилги Давлат дастурининг Навоий вилоятидаги ижроси ўрганилмоқда.

Шу мақсадда вилоят ҳокимлигида Сенат қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев бошчилигида ташкилий йиғилиш ўтказилди.

Унда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ёшлар масалаларига масъул доимий комиссияси ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, ҳокимлик мутасаддилари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар агентлиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Президентнинг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2021 йилги Давлат дастури ижро ҳолати, шунингдек, ёшлар кичик саноат зоналари ва ёшлар технопарки фаолияти атрофлича муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, мазкур масалалар юзасидан мутасаддилар ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, ушбу масалалар ижросини вилоят туман ва шаҳарларига чиқиб ўрганиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳ аъзоларига Давлат дастурига асосан, ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш билан боғлиқ белгиланган вазифалар ижроси, туман марказлари ҳамда шаҳарларда барпо этилган махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари, маданият ва санъат объектларида олиб борилган ишлар ҳамда вилоятдаги етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 91 нафар болани уй-жой билан таъминлаш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш сингари вазифалар юклатилди.

Айтиш жоизки, ўрганишлар натижасида Президент қарори ва Давлат дастурининг ижро ҳолати мониторинг қилинади ҳамда аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 27 январь

ҚОНУНЛАР ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҚАНЧАЛИК ИФОДА ЭТМОҚДА?

1

Ҳукумат ҳисоботига кўра, коронавирус пандемиясининг республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2021 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 7,4 фоиз ўсишига эришилди.

Бюджет даромадлари 164,7 трлн. сўмга ижро этилган бўлса, Давлат бюджети харажатлари 188,7 трлн. сўмни, шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 92,6 трлн. сўмни ташкил қилди. Ушбу амалга оширилган харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30,9 фоизга ошган.

Ҳисобот даврида 11,1 млрд. доллар миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, прогнозга нисбатан 113 фоизга бажарилди. Давлат инвестиция дастури доирасида 5,9 млрд. долларлик 318 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа ҳамда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 7,4 млрд. долларлик 15 минг 170 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 273,7 мингта янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида кўплаб умумтаълим, мактабгача таълим, тиббиёт, спорт, маданият муассасалари, кўчалар, ичимлик ва оқова сув, йўл ҳамда ирригация ва мелиорация объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилгани айтиб ўтилди. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2021 йилда гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мақсадида республика бўйича умумий қиймати 7,2 трлн. сўмлик 1 минг 898 та лойиҳа амалга оширилган.

Парламентга тақдим этилган ҳисоботда келтириб ўтилганидек, шу даврда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 6,5 минг хотин-қизга давлат мақсадли жамғармаси томонидан 100 млрд. 341 млн. сўм кредит ресурс маблағлари ажратиб берилди. “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида йил давомида 96 минг 873 нафар хотин-қизга 1 трлн. 197 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 524 минг 416 нафар ёшнинг бандлиги таъминланиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилди.

Мажлисда Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Давлат дастурининг 2021 йилдаги ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини баён қилди.

Қизғин ва танқидий руҳда кечган савол-жавоблардан сўнг депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади ҳамда Ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарорни қабул қилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.

Депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқоти давомида берилган топшириқлар ҳамда 2021 йил 24 августдаги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик фаолияти доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш ваколатининг Савдо-саноат палатасига берилганлиги муносабати билан ушбу нормани мазкур қонун лойиҳасида белгилаб қўйиш таклиф этилмоқда.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базанинг яратилишига, ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш кафолатлари кучайтирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Маънан эскирган, ўз аҳамиятини йўқотган нормалардан нима наф?

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳасини халқ вакиллари биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мазкур ҳужжат билан кодекснинг номланиши унинг тартибга солиш предмети ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс” деб ўзгартирилмоқда. Шунингдек, маънан эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган ёки фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган 33 та маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексдан чиқарилмоқда. Объектив эҳтиёждан келиб чиқиб, 12 та янги турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан маъмурий жазо чоралари тизими такомиллаштирилиб, ўз аҳамиятини йўқотган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш жазоси маъмурий жазо тизимидан чиқариляпти.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш тизими такомиллаштирилган ҳолда, коррупция ҳолатларига имкон берувчи омилларни бартараф қилиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида нақд пулда жарима ундириш тартиби бекор қилинаётир. Қонун лойиҳаси билан қатъий маъмурий жарималар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг минимал ва максимал миқдорини белгилаш орқали жарималарни пасайтирган ҳолда амалдаги жазолар либераллаштирилмоқда.

Мажлисда депутатлар томонидан кўтарилган саволларга жавоблар олиниб, мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Киберхавфсизлик: соҳадаги муносабатлар қонун билан тартибга солинади

Мажлисда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат органлари ҳамда ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаш ҳамда компьютер ҳодисаларига жавоб бериш (таҳдидларни, ҳужумлар ва уларнинг оқибатларини аниқлаш ҳамда олдини олиш), СЕРТ (компьютер ҳодисаларига жавоб бериш маркази)нинг самарали ишлашини таъминлашдан иборат.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Россия Федерацияси, Украина, Грузия каби давлатларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлилий ўрганилди.

Лойиҳанинг қабул қилиниши киберхавфсизликни давлат томонидан тартибга солиш, ҳуқуқий, ташкилий, илмий-техник ва меъёрий-услубий таъминот тизимини такомиллаштириш, ахборот тизимлари ва ресурсларининг яхлитлигини таъминлаш, рухсатсиз ҳаракатлар, ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш, бузиш, нусхалаш, блоклаш ва мамлакатнинг ахборот тизимлари ва тармоқларига ноқонуний аралашишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ҳуқуқий бўшлиқлар қачон бартараф этилади?

Депутатлар “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Сўнгги йилларда юртимизда содир бўлган йирик фавқулодда вазиятлар, жумладан, коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича чоралар таҳлил қилинганда, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди.

Қонун лойиҳасида фавқулодда вазиятларнинг замонавий таҳдидларини, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этишда орттирилган тажрибани инобатга олиб, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш белгиланмоқда.

Шунингдек, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талабларининг ижросини таъминлаш назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ҚУЁШИ

Тириклик дунёсида яшаётган киши борки, ўтаётган умри давомида турфа ҳодисотларга дуч келади. Инсон ана шу турфаликларни ва ҳаётнинг қарама-қаршиликларини енга олгани учун ҳам яшашда давом этади. Лекин нима бўлишидан қатъи назар, ҳар бир одам учун умр йўллари давомида энг катта мукофот халқнинг назари, унинг меҳри бўлмоғи керак.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий айтганидек, “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” деб билган ва халқ меҳрини қозонган инсон инсонга одамийлик тилаш баробарида унинг ғамини ҳам ўз ғамидек қабул қилиши лозим. Уларнинг ғамларини аритмоқ баёнида ибратли ҳаёт тарзини уларга яратиш зарур.

Мулоҳаза

Шукрки, бугун муқаддас юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши ҳамда фарзандларимизнинг ўқиб, илм олиб, келгусида ўз касбининг устаси бўлиш учун барча имконият яратилган. Фақатгина бундан руҳланган юртдошларимиз ундан самарали фойдаланмоғи керак. Зеро, юқори интилувчанлик ҳаракати келгусида ўз натижасини albatta, беради.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори замирида ҳам аслида ҳар бир бўлаги жаннатга қиёс қилинган Ўзбекистон фарзандларининг келгусида ватанпарвар, фидойи ва комил шахс бўлмоғи, энг муҳими, юртнинг эртаси саналган ёшлар келажагини ўйлаб қабул қилинган, десак, асло муболаға бўлмайди. Боиси, бугунги кунда аждодларининг муносиб давомчилари — ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар бир томондан дахлдорлик ҳисси билан келажак учун жавоб қайтаришни юрак-юрагига сингдирса, иккинчи жиҳати таълим муассасалари дейсизми, шаҳар, овул, қишлоқ, маҳаллаларда йигит-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этишда яна ўша фидойи маънавиятчилар беминнат ёрдамларини аямай келаётганига амин бўламиз.

Чунки таълим муассасаларида ҳар бир ёшнинг сифатли таълим олиши ва дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун тегишли тартибда чора-тадбирлар ижрога йўналтириладиган бўлса, маҳаллаларда ҳам ўспиринларнинг муайян соҳа бўйича қўшимча билим олиш, келгусида олий таълим даргоҳига ўқишга қабул қилиниши ҳамда қўйингки, маънавий-маърифий соҳада фаол бўлиши ОТМнинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори билан ҳамкорликда олиб бориладиган тадбирлар самарадорлигига қараб белгиланади.

Шу маънода, қабул қилинган қарор билан ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорга биринчи проректор мақоми берилиши, биринчи навбатда, соҳадаги вазифаларнинг ижросини ўз вақтида ҳамда белгиланган тартибда таъминлашда зиммамизга улкан масъулият юкласа, иккинчи томони, энди масъулият доираси янада ошиши фаолиятга янгича ёндашишни талаб қилади.

Шу билан биргаликда, ёшлар масаласи, уларни безовта этаётган муаммолар ечимини топиш ва келгусида уларнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун бажариладиган амалий ишлар билан ушбу қабул қилинган қарор “оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигидаги маънавий-маърифий тадбирларни кучайтиришга ва маҳаллада яшаётган ёшлар масаласида янада эътиборли бўлишга ундайди, десам, фикрим хато бўлмайди.

Қарорда, асосан, тўртта мақсад назарда тутилади: а) ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш; б) улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш; в) ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш; г) таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш.

Бир қараганда, мақсадларнинг фақатгина сўнггиси таълим муассасаларига тегишлидай туюлади, лекин эътибор қилинадиган бўлса, маҳаллада яшайдиган барча ўғил-қизларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида, маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилишини ҳам олқишламоқ керак. Боиси, азалдан маълумки, маҳалладаги ижтимоий маънавий муҳит улар тарбиясида алоҳида роль ўйнаган. Халқимизнинг ўзига хос бўлган қадриятлари маҳалладаги ёшларнинг ўсиб-улғайиб, камол топишида ҳам катта аҳамият касб этган. Шу ўринда бир мулоҳазани айтгим келди.

Юртбошимиз томонидан кириб келган йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилингани билан сўз юритилаётган қарорда мустаҳкам боғлиқлик, замирида узвийлик кўрдим. Чунки йилнинг номланишида бутун маҳалла тизими мисолида фаолликка чорлаш бўлса, бу қарор билан эса ана шу мўъжаз масканни янада ривожлантириш, маҳалла ёшларининг билим даражасини оширишда етакчи томонидан маданият, спорт, адабиёт, китобхонлик, ахборот технологиялари, маънавият, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлик, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида тарғибот ишларини юритиш талаб қилиняпти.

Албатта, зиммамдаги вазифа маънавий-маърифий соҳада олиб бораётган фаолиятимга янада чуқурроқ ёндашишни талаб этгани каби, маънавият масаласи ҳамиша энг биринчи ўриндаги вазифа бўлган. Юртбошимиз “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” деганида минг бора ҳақ. Ростдан ҳам, бугун маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитми, ёшлар масаласими ёки бошқа соҳами барча-барчасида маънавиятнинг ўрни беқиёс эканлигини эътироф этмоғимиз керак.

Маънавият — қалбимиз қуёши. У бўлмаса, инсон қалбини англаш мушкул. Маънавият бор экан, биз ҳамиша кўзлаган мақсадимизга эришиб келамиз. Бошқача айтганда, инсон қалбига борадиган ягона йўл маънавият орқали ўтади. Юртимизда кечаётган ислоҳотларда ҳам маънавият масаласи устуворлик касб этаётганини кўришимиз мумкин. Юксак маънавият соҳибларини тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ҳар бир ҳаракатни оқлаган ҳолда яқинда институтимиз томонидан “Қадр ва эзгулик бешиги — менинг маҳаллам!” номли онлайн-танлов эълон қилдик. Танловимиз уч йўналишда ташкиллаштирилди.

Танлов баҳонасида ёшларимиз томонидан тайёрланган видеороликлар орқали маҳаллаларимиз тарихи, улардаги табаррук қадамжолар ҳақида маълумотлар, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос удум ҳамда одатлари билан танишдик. Бу бир томондан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилса, танлов номидан ҳам кўриниб турибдики, ҳар биримиз яшайдиган маҳаллада инсон қадри бош масала саналиб, у эзгулик улашиладиган мўътабар масканга айланиши назарда тутилган.

Бошқача айтганда, ҳар бир ёш ўсиб камол топадиган маҳаллаларнинг ана шундай муқаддас жойга айланишини истадик. Зеро, юксак маънавият соҳибларини тарбиялаш асосий мақсадимиз экан, инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида олиб боришни режалаётган ишларимиз билан Юртбошимизга бу соҳада ҳам елкадош бўлишга тайёрмиз.

Шу кунга қадар институтимиз зиёлилари 177 та маҳалла фуқаролар йиғинида бир зиёли бир маҳаллага маънавий ҳомий этиб бириктирилиб, 200 дан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказишда фаол бўлишган бўлса, 6 та мактабга бириктирилган институт ўқитувчиларининг ҳаракатлари натижасида 43 нафар битирувчи ёш ОТМга қабул қилинди. Шу билан бирга, институтга яқин ҳудудда жойлашган 10 та маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган амалий ишларимизни келгусида яна давом эттирамиз.

Маҳаллада яшаётган аҳолининг руҳиятини юксалтириш ҳамда фаол маънавий муҳитни шакллантиришда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатлари беқиёсдир. Шу маънода, жорий йилда маҳалла ёшлари билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, шоирлар, таниқли олимлар ва жамоат арбоблари иштирокида учрашувлар ўтказишни, улар учун турли тўғараклар ташкил этишни режалаштирганмиз. Бундай тадбирлар келгусида маҳалла ёшларининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ижтимоий-маънавий муҳитнинг янада барқарорлашишига хизмат қилади, албатта.

Бошқача айтганда, Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилидан бошланган тадбирларимиз келгусида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ҳолатда маҳалладаги ёшлар етакчилари билан тизимли ишларни ташкил этишга замин ҳозирлайди. Зеро, миллат фарзандларини келгусида буюк аждодларига муносиб авлод, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган амалий ишлар, албатта, ўзининг самарасини беришига ҳамда янги Ўзбекистон бунёдкорларининг сафи кенгайишига хизмат қилишига ишонаман.

Мирзоҳид БОТИРОВ,
Фарғона политехника институтининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори.

Семинар

МАҚСАД – МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда халқ манфаатларини ифода этувчи орган сифатида шакланган маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш ҳамда назорат ваколатларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Натижада эса уларнинг ваколат ва назорат функциялари сезиларли даражада ошди. Ижро ҳокимияти устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатиш ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисособдорлиги йўлга қўйилгани шулар жумласидандир.

Эътиборлиси, бу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттириляпти. Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришлар борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 2022 йилнинг биринчи ярми учун мўлжалланган семинарлар режаси тасдиқланган, унда қўмиталар томонидан ҳар бир чоракда камида битта маҳаллий Кенгашнинг тегишли доимий комиссиялари аъзолари учун семинар ташкил этиш кўзда тутилгани бунинг яққол мисолидир.

Кеча онлайн тартибда ўтказилган семинарда маҳаллий Кенгашларнинг бюджет жараёнидаги роли ва унинг ижроси устидан депутатлик назоратини ташкил қилиш, тадбиркорлик субъектларига ер ажратилишида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантиришдаги иштироки масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда “Очиқ бюджет” ва “Ташаббусли бюджет” жараёни, маҳаллий бюджетлар қўшимча манбалари шакллантирилиши, уларнинг мақсадли ишлатилиши ва солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида иштирокчиларга батафсил ахборот берилди.

Жумладан, қонун билан солиқ тўловчилар ўзлари тўлаётган солиқдан қилинадиган харажатлар ёки уларнинг тақсимланишида бевосита иштирок этиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тасдиқланган умумий харажатларнинг 5 фоизи, шунингдек, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилиши белгилангани таъкидланди. Бунинг учун Давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Семинарда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг аҳоли билан самарали мулоқот ўрнатиши ҳамда маҳаллий бюджетни шакллантириш, унинг ижроси ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурлар ижроси юзасидан изчил депутатлик назоратини олиб бориши, ижро органлари вакиллари ҳисоботларини эшитиши ҳамда котибиятлар фаолиятини самарали ташкил этишида қўл келадиган услубий қўлланма тайёрланиб, жойларга етказиб берилгани айтиб ўтилди.

Тадбир қатнашчиларининг мавзу бўйича берган саволларига Молия ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари, Ҳисоб палатаси мутахассислари томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

«Халқ сўзи».

Фамхўрлик

ҚОРАКЎЛДА МЎЪЖАЗ ШАҲАРЧА БАРПО ЭТИЛДИ

Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани ҳудудида жойлашган Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм учун мўъжаз шаҳарча барпо этилди.

Намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган 20 та турaржой, шунингдек, 25 ўринли болалар боғчасидан иборат бу гўша вилоят марказидан юзлаб километр олисда, сахро бағрида қад ростлади. Унинг қурилиши учун давлатимиз томонидан салкам 4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ана шу шинам уйларнинг бири майор Орифжон Пармоновнинг оиласига ажратилди.

— Уйда шаҳарникидан қолишмайдиган даражада шарт-шароитлар яратилган, — дейди майор. — Қисқача айтганда, биз, чегарачиларнинг энди ўз оиламиздан кўнглимиз тўқ. Хизмат бурчимизни сидқидилдан адо этиб, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш йўлида куч-гайратимиз, билим ва салоҳиятимизни аямаймиз.

Мазкур уй-жойларни фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросимда Бухоро вилояти ҳокими Б. Зарипов иштирок этди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

«NEW LIFE INSURANCE» масъулияти чекланган жамияти кредиторларига БИЛДИРИШНОМА

«NEW LIFE INSURANCE» МЧЖнинг таъсисчилари томонидан қабул қилинган қарорга ва Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, «NEW LIFE INSURANCE» МЧЖ суғурта компанияси «NEW LIFE суғурта компанияси» акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил қилинмоқда ва унга жамият кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда, жумладан, «NEW LIFE INSURANCE» МЧЖнинг баҳслашилаётган мажбуриятлари ҳам ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан, ушбу хабар эълон қилинган санадан эътиборан, ўттиз кун давомида жамият кредиторлари унинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилиши ёки бажарилишини ҳамда зарарлар қопланишини талаб қилишлари мумкин.

«NEW LIFE INSURANCE» МЧЖ Адлия вазирлигида 2014 йил 19 майда 118-рақам билан рўйхатдан ўтказилган ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2016 йил 5 августда 10-000118-рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда
(тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

1) Нон (лепёшка) — 60 та.
2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
3) Сомса 12х12 см. — 128 та.
4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, кучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номутаносиблиги).

12 ойлик кафолат.
5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.
Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
95-169-68-51, 71-279-38-54.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6